



## ТУРОН ТЕЛЕВИДЕНИЯСИ СИНОВ ЭФИРЛАРИНИ БОШЛАДИ

Турк жўғрофияси учун мўлжалланган теле кўрсатувларга ихтисослашган Турон телевиденияси ўзининг эфирларини бошламоқда. Синов эфирларини узата бошлаган Турон ТВ, Озарбайжон ва Туркия туркчасида, шу жумладан туркчанинг турли лаҳжаларида сиёсий, ижтимоий, маданий ва маърифий дастурларни томошабин эътиборига ҳавола қилишни режалаштирмоқда. Агарда канал бутун Турон оламига

антенналари ёрдамида осонгина томоша қилиш мумкин. Ҳозирда паробол антеннаси қатта бўлган ва Türksat сунъий йўлдошини сигналларини ушлаш оладиган антенналарнинг бир қисми ҳеч қандай бурчак ҳолатини ўзгартиришига эҳтиёж йўқ, сигналларни ушламаган антенналарнинг эса паробол антенналарига иккинчи бир LNB ўрнатароқ 31.5 даражага сошлаб канални кузатишлари мумкин

эфир узатадиган бўлса венгерча, финча, мўғулча ва бошқа Турон тилларида эфир узатиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Astra 5B сунъий йўлдош орқали деярли барча Турк жўғрофияси ни қ а м р о в ч и ҳудудда фаолият кўрсатадиган Турон ТВ синов эфирларини бошлади. Канални Туркиядан ҳам сунъий йўлдош

бўлади.

Турон ТВ аввалига Озарбайжон ва Туркияда эфирга чиқиш билан иш бошлаб, кейинги босқичларда Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қрим эфирларида ўз туркчаларидаги дастурларни бериб боради. Ўртоқ туркчани яратишга ўз хиссасини қўшишни истаган каналимиз шунингдек сиёсий, маданий ва ижтимоий дастурлар яратишни режалаштирмоқда.

Телеканал Türksat ўрнига AstraSat орқали эфирга узатилишининг асосий сабаби молиявий ҳолат билан изоҳланар экан, имконларнинг кенгайиши ҳолида келажакда Türksat сунъий йўлдошидан эфирга чиқиш шартлари ҳам режалаштирилмоқда.

Турон ТВни томоша қилиш учун ўз сунъий йўлдош сигнали қабул қилувчи қурилмангизда Astra 5B сунъий йўлдошини танлаб, сошлашларини қуйидагича ўзгартириб чиқишингиз лозим бўлади:

**AstraSat 5B 31.5 даража**

**Частота: 11817 Вертикал;**

**Белги тезлиги: 27500; FEC: 3/4**

Шунингдек Турон ТВ, ҳали ишга тушириш босқичида бўлган интернет саҳифаси, [www.kanal-turan.com](http://www.kanal-turan.com) номи остида фаолият кўрсатади.

**ЎХХ тахририяти**

Кеча, 13 октябр куни Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасидаги бир қанча хонадонларда ноқонуний тинтувлар ўтказилган.

Тинтувлар асосан эркаклари Андижон воқеалари сабаб қамалган ёки Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлган хонадонларда ўтказилган.

Кекса онахонлар ва аёлларни қўрқитишиб, кўзга кўринган буюмларни кўтариб чиқиб кетишган. Тинтув нима сабабдан бўлаётганлигини ва нарсалар нимага олиб кетилаётганлиги ҳақида биронта ҳам маълумот хонадон эгаларига айтилмаган.

Эркаклари йўқ хонадонларга кириб аёлларни бундай қўрқитиб, мол-мулкни олиб чиқиб кетиш ПАСТКАШЛИҚДИР!

Барча бекфарқ бўлмаган

## Пасткашликни тўхтатинг ўртоқ Мирзиёев!

инсонларни ушбу аянчли ва хавотирли ҳодисалар юзасидан Ш. Мирзиёев виртуал қабулхонасига мурожаат қилиб, бундай ПАСТКАШЛИК ВА НОМАРДЛИКНИ тўхтатишини талаб қилиб мурожаат қилишларини сўрайман. Айниқса Андижонликларни.

Кеча бошқаларни хонадонидан бўлаётган бу адолатсизликлар бугун сизни уйингизда қайтарилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Шундай экан ҳақиқат учун курашинг хурматли ватандошларим!

**Дилобар Эркинзода**

Манба: [www.facebook.com](http://www.facebook.com)

\*\*\*

Сўнги кунларда ахборот анетликлари сайтлари ва ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон куч ишлатар органлари томонидан шу каби ғайриқонуний ва босмачилик қўринишидаги тинтувлар ўтказилаётганлиги ҳақида кўп хабарлар тарқалмоқда.

И.Каримов президентлик даврида ҳам ҳатто бу даражадаги ҳатти-ҳаракатлар кузатилмаган эди, ёки камдан-кам учрар эди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ш.Мирзиёев аввалги президентдан ҳам ўтадиганга ўхшайпти.

**ЎХХ тахририяти**

“Амнистия” нима?  
“Реабилитация” нима?

Биз кўпинча сиёсий ва диний эътиқоди учун қамалганларнинг ҳар йили бирор кун ёки сабаб билан эълон қилинадиган “Амнистия” ҳақидаги қарорлардан фойдаланганлар ёки фойдаланиши мумкин бўлганлар рўйхатига киритилишларини кутамиз...

Шу тўғрими?

Тўғриси, ўзим ҳам бу сўзлар маъноларига кўпинча эътибор бермасдим.

“Дўстларимиз қамокдан ёки жазо муддатини ўтаётган, азоб ва қийноқларга солинаётган, кўп ҳолларда жон таслим қилаётган, сунъий яратилган жаҳаннам каби “учреждения” лардан омон – эсон озод қилинсалар бас” деб ўйлардим...

Аслида, у азобхоналарда умри ўтаётган дўстларимиз ҳукумат томонидан айбланган айбсизлар эмасми!

Гуноҳсиз “гуноҳкорлар” эмасмилар!

Бунинг устига, “амнистия” ҳақидаги қарорлардан кўп ҳолларда фақат ҳақиқий жиноятчилар – одам ўлдирганлар, ўғрилар, қатга – қатга молиявий жиноятлар қилганлар фойдаланадилар.

Эътиқоди сабаб тўхмат билан қамалганлар жаҳаннам азобида қолиб кетабердилар!

Кўпларининг нима учун қамок жазосига ҳукм қилинганларини ўзлари ҳам, ҳатто “суд” қилиб, жазо муддати белгилаган судьяларнинг ўзлари ҳам аниқ билаолмайдилар.

“Топширик” асосида, кўзларини юмиб, ҳукм чиқариб юбораверганлар!

Бу ҳам ҳукумат бошлиқлари ва суд – прокуратура ходимлари нинг жиноятлари эканлиги ҳақида ҳечбиримиз ўйлаб ўтирмаймиз...

Дунё миқёсида, қадим замонлардан



## “Амнистия” нима?

бери суд – маҳкама, прокуратура тизимлари мустақил бўлиши кераклигини биламизку!

Демократиянинг, дунё миқёсида қабул қилинган асосий қонунларидан бири ҳам шунинг ўзи эмасми?

Ҳатто монархия – шохлик даврларида ҳам ҳукмдорлар маҳкама ишларига аралашмаганлар...

“Амнистия” сўзи – луғатларда, “Оқлаш”, “авф этиш”, “гуноҳидан кечиш” маъноларини беради.

Гуноҳсиз қамалганларнинг қайси гуноҳларидан кечадилар “Амнистия” эълон қилиб!

Аслида биз ҳукуматдан ва янги ҳукумат бошлиғидан “амнистия” эмас, “реабилитация” талаб қилишимиз керак эди!

“Реабилитация” – бегуноҳ эканлигини тан олиш, шахс сифатида номи – жамият олдида беғубор эканлигини кўрсатиб қўйиш, тиклаш маъносига эга.

Демак, ҳукумат ҳам, ҳукумат

бошлиқлари таъзийги сабаб қамокқа олиниши ҳақида ҳукм чиқарган суд – прокуратура ходимлари ҳам, бу ўринда, ўзлари йўл қўйган хато (жиноят)ларини тан олган бўладилар!

Реабилитация талаб қилсак, биз қонунларни бузмасликни, бундан кейин ҳукуматнинг суд – прокуратура мустақиллигини тан олиб, уларнинг ишига аралашмаслигини талаб қилган бўламиз.

Бегуноҳлар озодликларига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмаслигини талаб қилишимиз керак эди!

Жиноятчилар, бу борада қонунни бузганлар, суд – прокуратура ишларига таъсир ўтказиб, зўронликка йўл қўйганлар эса, жазоланишлари керак эди...

Мен шундай тушунаман!

Ёдгор Обид

Манба: Facebook.com

## Танқидсиз – мукамалликка эришиб бўлмайди!

“Совершенство нет предела...”  
И совершенства без критики не бывает...

“Мукамалликнинг сўнги йўқ...”

Танқидсиз – мукамалликка эришиб ҳам бўлмайди!

Баъзи дўстларимиз, ҳатто, иш бошиданоқ диктаторлик аломатлари ва узурпаторлиги яққол кўриниб турганини тан олишса ҳам, нима учундир, “вақтинча президентлик вазифасини бажариб турган” Шавка Мирзиёновни танқид қилмасликка чақириб, танқид қилганларга ҳақоратли изоҳлари билан ташланаётганлари мени ҳайрон қолдиради...

Мен Мирзиёнов ҳақида аввал ҳам ёзганим учун, бу ҳақда кўп тўхталиб ўтирмайман...

Қизиғи, танқид қилмасликка даъватларида!

Унча – мунча ҳаётдан ва ҳаёт

қонуниятларидан ҳабардор одам ҳечқачон танқидга қарши бўлмаслиги керак эди!

Ҳатто танқид остига олинаётган одам ҳам... Мантиқан олиб қаралганда, танқидга чидамсизлик – мутаасибликка, диктаторликка олиб келиши шубҳасиз!

Ҳозирги уларнинг ҳимоя қилаётганлари бўлган шахс, ўз ишининг бошиданоқ ўта мутаасиб, ўта жоҳил диктатор эканини кўрсатиб бўлди... Ривожланган давлатларда ўз президентлари ҳақида мақтов гап ёзиш ҳатто уят ҳисобланади! Шавкачилар эса, аввалги “дода”ларининг бадани совимай туриб, янгисини “дода”га айлантириб қўйишди!

“Янгиликлар киритаётган” эмиш...

Қанақа янгилик?

Ҳеч бўлмаганда, пахта

тераётган врачлар ва бошқа медицина ходимлари, студентлар, ўқитувчилар ва бошқаланинг мажбурий меҳнатга ҳайдаб чиқарилаётганлари ҳақида бирор ижобий иш қилдими?

Бу – бугунги долзарб масала эмасми!

Аҳоли ҳаётини озроқ бўлса ҳам энгиллаштириш борасида бир иш қилдими! Нимасини мақтаб юрибсизлар... Ундан кўра, бор ҳақиқатни айтганингиз кўпроқ фойда келтирмасмиди?

Демократия деганлари, аввало, ҳалқ ва мамлакат манфаатлари ҳақида қайғуришдан бошланади!

Танқид ва танқидга тўғри ёндошишдан, ўзи учун ҳулоса чиқариб олишдан, кимнинг кимлиги кўринади!

Ёдгор Обид

Манба: Facebook.com



## Азон халқнинг тинчини олмоқдами?

Қирғизистон парламенти депутати Бўлўтбек Ибраимжанов масжидларда янграган азон, кўнгилочар жойлардаги мусиқа шаҳарликларни тинчини олаётганини айтиб, бундай жойларда товуш кучайтириш ускуналарини назорат қилишни таклиф этмоқда.

Жўғўрку Кенгаш йиғинида “Республика-Ота Юрт” фракциясидан депутат Бўлўтбек Ибраимжанов тун ва тонгдаги намоз вақтида айтиладиган азон ва кўнгилочар жойлардаги мусиқа шаҳар яшовчиларини безовта қилаётганини айтди. У масжидлардаги товуш кучайтириш мосламаларининг қуввати 40 децибелдан ортмаслиги керак деган меъёр сақланмаётганини қўшимча қилиб, кучли айтилган азон тонги уйқуни бузаётгани билдирди.

“Кечки соат 11дан тонги соат 7гача аҳолини безовта қилиш мумкин эмас. Бироқ бизда товушни кучайтирадиган мосламалардан чиқаётган азоннинг қуввати 140 децибелгача етаяпти. Буни экотехинспекция назорат қилиши керак. Шу қаторда ресторан, кафелардан чиқаётган мусиқа овозларини ҳам кечки пайт чекламасак, болалар дарс қилмасдан, қўшиқларни репертуарларини ёдлашиб бўлди”, деб айтган у.

Ибраимжанов жума намоз

вақтида кўпчилик давлат хизматида ишлаган раҳбарлар ишдан чиқиб, душанба кунгача дам олаётгани айтиб, ҳукуматни хизмат тартибини кучайтиришга чақирди.

Депутатнинг бу таклифи жамоатчиликда муҳокамаларга сабаб бўлди. Шаҳар яшовчилари кўнгилочар жойлардаги мусиқалар безовта қилган ҳолатлар бўлаётганини айтишади.

“Уйимизни олдида 2-3 кафе-ресторанлар бор. Улардан чиқаётган мусиқалар ҳақиқатан бизни безовта қилади. Азон бўлса бу яхши нарса, унинг зиёни йўқ”, дейди бишкеклик Азамат.

Дин бошқармаси масжидлардаги азон халқни тинчини олаётгани деган иддаога қўшилмайди. Муфтиятнинг матбуот раҳбари Мақсат Атабаевнинг сўзларига кўра, бунгача масжидларда азон товушини пасайтириш топшириғи берилган.

“Биз бунгача азон товушини озгина пасайтирганмиз. Барча имомларга ҳам тушунтирганмиз. Масалан, кечки хуфтон намози саккизда тамомланади. Тонгда эса намоз 5:30да бошланади. Бу ҳолатда азон фуқароларга қандай халақит беради? Биз шу нарсани тушунмаяпмиз”, дейди Мақсат Атабаев.

Қирғизистонда жамоат тинчини бузганларга

қарши Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Санитар эпидемиология назорат департаменти иш олиб боради. Бу идора раҳбари Тўлў Исақовнинг сўзларига кўра, депутат айтаётган масала асосли. Ушбу идора жамоат тинчини бузган жойларга махсус жарима солиб, назорат қилади.

“Қишлоқ ёки шаҳарда бўладими, тунда тинчлик бермаган ҳар қандай овозлар одамларнинг соғлиғига зарар. Айниқса болаларга, юрак, нерв хасталикларига қаттиқ таъсир этади. Биз бундай тинчлик коидаларини бузганларга қарши Бишкек ҳокимлиги билан иш олиб борамиз. Унинг асосида огоҳлантириш берилади, унга ҳам кўнмаса, жазога тортилади, ёпишгача бориш мумкин”, дейди Тўлў Исақов.

Исақов яқиндагина марказий масжидга азон товушини пасайтириш ҳақида огоҳлантириш берилганини қўшимча қилди.

Бишкек шаҳар мэриясининг вакили Гуля Алмамбетованинг сўзларига кўра, пойтахтда одамларни тинчини олаётган кўнгилочар жойлар устидан доимий норозиликлар бўлади.

“Бизга тинчликни бузган кафе-ресторанлар бўйича шаҳарликлар тинимсиз мурожат қилади. Улар асосида кунда огоҳлантириш, жазолар берилади. Шунингдек, кафе-ресторанлар очилаётганда жамоат тинчини бузмайман, деб мажбурият олишади. Бироқ бу мажбуриятни бажармай қўйганлар кўп. Уларга қарши иш олиб бораяпмиз”, дейди шаҳар ҳокимияти вакиласи.

Азон айтилиб, тинчлик бузилади дейилаётган марказий масжид атрофидаги уйлар бошқа мавзеларга солиштирилганда арзон эмас. Бу ҳудуд атрофидан уй сотиб олишни хоҳлаётган динга ишонган инсонлар кўп.

**Шохрух Соипов**  
Мустақил журналист  
Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)

### “Камера акалар”

Битта саволим бор эди. Берсам дилим, бермасам тилим куядиган савол... Хуллас, жиноятчи бўлмасанг ҳам олиб борилаётган хавфсизлик чораларидан юрагинг така-пука бўлиб яшаш мумкинми?

Мумкин экан, азизлар!

Ўзингни бироз дунёни сув босса ҳам тўпигига етмайдигандай тутсанг, бас.

Балки бу ҳам нотўғридир, чунки сен огоҳлик ўрнига бепарволикка йўл қўяётган бўлишинг мумкин.

Хуллас, Ўзбекистонимизда ўтказилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги кўчадаги ғала-ғовурлар бироз бошимни айлантирган кўринади.

Умуман олганда, шу кунлар уйда ТВни ёқмасанг бўлди, ўзингни энг тинч бир маконда ҳис қиласан.

Чунки сени кузатаётган камералар йўқ. Бундай ҳадиксирашга сабаб шуки, аввалроқ тадбиркорлардан ўз иш жойларини ҳамда масжидлар, дўконлар ва бошқа аҳоли кўп йиғиладиган иншоотларни камералаштиришлари талаб қилинганди.

Бунга жуда тез эришилди. Ҳозирда қаёққа кирманг, камера сизга қараб туради, бир табассум билан видеога тушиб оласиз.

Огоҳликка доир даъвату ташаббуслар жаҳд билан давом этмоқда.

Кўполликка йўйманг, аммо бежавотир бир жойларга табиатнинг “чакириғи” билан кириб чиқиш мушкул бўлиб қолди.

Бу холи жойда ҳам камера бўлса-я... Ёки микрофон!

Бунақа кузатув камералари ҳозирда маҳаллалар ва катта-кичик кўчаларда ўрнатила бошланди.

Бир томондан хаёлингга “во, мана биз ҳам ривожланган давлатлар қаторига кириб бормоқдамиз”, деган фикр ҳам келади.

Бошқа томондан эса масжидга кираётганидаги ҳадиксираш энди кўчада ҳам давом этадигандек.

“Бизга нима дўстим, тинчликсевар одам бўлсак, уйда жимгина ўтираверамиз-да,” деди бир дўстим.

Бунга ҳам кўникиб қолармиз, ҳар холда жиноятчи эмасмиз.

Масаланинг бошқа томони шундаки, бу камералар ўғриларнинг кўпайгани боис қўйилаётгани айтиляпти.

Бир кечани ўзида кўп қаватли уй олдидаги машиналарни бирин-кетин “ечинтириш” кейинги пайтларда тез-тез кулоққа



## Ўғрилар ёшларни тарбиялайди, биз эса камерани “ака” деймиз!..

чалинмоқда.

Қолаверса, депутатларнинг кейинги уч йил ичида автоулов ўғирлаш билан боғлиқ жиноятларнинг 65 фоизга ўсгани сабабли бундай жиноятларга қарши курашни кучайтираётганлари ҳам аҳамиятга молик.

Энди бундай жиноят қилганлар 5-10 йил эмас, балки 15-20 йилга озодликдан маҳрум бўлишлари кўзда тутилмоқда.

Шу нуқтада камера мавзуси ўғриларга бориб тақалар экан, беихтиёр ўғрилар оламидаги ўзгаришлар ҳақида бўлаётган миш-мишлар ҳам қизиқлигини айтиб ўтиш керак.

Шавкат Мирзиёев кудратга келгандан бери, ҳар ҳафтада “Постда” газетаси ҳудудларда милиция ходимларининг алмаштирилаётгани ҳақида эълон қилиб бормоқда.

Улфатчилик дегандек, мактабдош, аммо ўғрилар олаmidан яхши хабардор ўртоқлар билан гаплашиб қоламиз.

Уларга кўра, милиция кучайтирилиб, ўғрига маълум даражада назорат остида ваколатлар берилаётган эмиш...

“Кўча”дан хабардор улфатлардан бирига кўра, милиция ўз куч-қудратини тиклашга киришган, шунинг учун лавозимлардаги мулозимлар бирин-кетин алмаштирилмоқда.

Яна бошқа “кўча” улфатнинг ичкаридан хабарига қараганда, зоналарда аллақачон 50-50

келишуви остида “положенец” ва “хозяинлар” ишни йўлга қўйишга улгуришган.

Унинг айтишича, бу каби келишувларга қуйишқондан чиққан ёшларнинг “ўғрилар қонунлари”га амал қилмасдан, ҳаддан ташқари жирканч жиноятларга қўл ураётганлари сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, шу ёшларнинг масжиддан мосуво қилинишлари, яъни тарихдан одоб-ахлоқ даргоҳи бўлиб келган маскандан чиқарилишларини фақатгина ТВдаги ташвиқот билан тўлдириб бўлмаслиги анча сезилиб қолган кўринади.

Абдулазиз Мансур айтганди, ёшлар масжиддан чиқарилса, одоб-ахлоқни қаердан ўргансин, деб...

Энди мана “ўғрилар” ва “братанлар” ёшларга бошчилик қиладиган бўлса... ишқилиб, бу ҳам балки бир йўлидир?

Ким билсин, балки “оила-маҳалла-ўқув даргоҳлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмини ривожлантириш” остида кўчадаги камералар бир кун уйимизга кириб келар...

Хотинни сизлаб қолсак, уйда шим-костюм кийиб ўтирсак... Шўрвани ҳам қизиқчимиз айтмиш, вилка билан ичсак... Ҳар бир қўйган кадамимизда “Камера акага” раҳматлар айтиб турсак... Ўзбекистонимиз шундоқ ҳам ягона ўзи, биздан ўтадиган ягона давлат бўлмай қоларди шунда...

**Ўзбекистонлик муштарий**

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)



## Нега турончи бўлиш мавжуд тузумга мухолиф бўлишни англатади?

Ҳозирги давлат тарғибот машинаси амалдаги ҳукумат вакиллари ва айниқса уларнинг марҳум бошлиғи Каримовни “мустақиллик меъморлари”, “мустақиллик учун курашганлар” деб таърифлашга тиришаётганини кўриб, ҳар бир соғлом фикрловчи одамда табиий савол туғилади:

Ватанимиз қайси ғоялар билан истиқлол сари қадам ташлаган? Ҳа, шубҳасиз, ҳар бир сиёсий ҳаракатда ғоя етакчи аҳамиятга эга, ватанпарвар ёзувчимиз Эврил Турон айтганидек, “дунё эътиқод билан тирик, эътиқод билан яшайди”. Юртимизнинг ҳақиқий энг янги тарихидан хабардор инсонлар (аслида уни бутун халқ билади, шунчаки янги авлоднинг асосий қисми бироз беҳабар қолган, ота-оналари эса кўп ҳолларда уларга гапириб беришмайди, чунки бу каби сиёсий мавзуларни алла қачон ёпилган ва тақиқланган деб билишадиган) жуда яхши билишадигани, бизнинг мустақиллик сари интилишимизга куч-қувват, шижоат ва ғайрат берган халқимизнинг қалбида асрлар яшаб келган Турон ва Туркистон ғояларидир.

Ўзбекистондаги тузилган биринчи сиёсий партиялар – “Ерк” Демократик Партияси ва “Бирлик” Халқ Ҳаракати – ўша ғояларга содиқ бўлган ҳақиқий ўзбек зиёлийлари томонидан тузилганлиги ҳам сир эмас. Бу партиялар ўша пайтдаги коммунизм тузумига мутлақо қарши бўлган, бу тузумни тўлалигича инкор этган мард идеалистларнинг уюшмалари эди. Шундай қилиб, Турон (Туркистон) ғояси – жадидларнинг ғоявий

ворислари бўлган ҳақиқий ўзбек зиёлийларининг ғояси.

Энди айтинчи, ҳозирги диктатура тузumi советлар давридаги коммунистик тузумдан нимаси билан фарқ қилади? Ташқи кўриниши ўзгарган, моҳияти эса ўша-ўша. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини олинг: “биз бозор иқтисодига ўтаяпмиз”, дейди-ю, лекин деҳқонларга қарши давлат зуғумини, тўғрироғи зулмини давом эттиришяпти. Ўша-ўша мажбурий пахта теримлари, ўша-ўша шўрлик деҳқонга эркин нафас олишни бермайдиган “план” деган бало.

Ҳокимларнинг бу борадаги зулми эса совет раҳбарлариникидан ҳам ошиб кетган: планни бажармадинг-сўкиш ва ҳақоратларни эшитишга, ҳатто калтак йеишига тайёрлан. Бозор иқтисодига ўтаяпмишимиз, 25 йилдан буён ўтаяпмиш – ҳалигача ўтиб бўлмадик. Ваҳоланки, 25 йил ичида нафақат тўлиқ бозор иқтисодига ўтиш, балки одамлар турмуш даражасини анча яхшилаш, молия, иқтисод, ташқи савдо алоқаларини мустаҳкамлаш мумкин эди.

Узокқа бормайлик: биз билан деярли бир вақтда совет асоратидан қутилган Болтиқбўйи ўлкалари, ҳатто ён қўшнимиз Қозоғистон биздан анча илгарилаб кетган, қисқа вақт ичида дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирган Сингапурни гапирмасак ҳам бўлади. Тўғри, Сингапур кичкинагина мамлакат, муаммолари ҳам, табиийки камроқ, камроқ бўлмаса ҳам, балки, ечишга осонроқ бўлган. Лекин Ўзбекистон ҳам Россиядек баҳайбат эмас-ку

ахир!

Бундан ташқари, “мен иқтисодчиман”, деб кўкрагини кериб юрганлар наҳотки иқтисодчилигини кўрсата олмаган бўлса? Улар ҳеч қанақа иқтисодчи эмас-да, балки харомхўрлар тўдаси, шунинг

учун халқни, юртнинг истиқболини эмас, балки ўзларининг қабих манфаатлари ўйлайди. Натижаси эса – ҳозирги таранг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий вазият. Ҳа, мен “оғир” дейишнинг ўрнига, “таранг” деб ёздим, негаки оғирлиги ва мураккаблиги ҳаммага маълум, таранг ва хавфли эканлигини эса ҳамма ҳам тушунмайди.

Хўш, ҳозирги кунда Ўзбекистонни куч ва зўравонлик билан эгаллаб олганлар собиқ коммунистлар, бу ерда “собиқ” сўзини кўштирноқ ичига олиш керак бўлса, ижтимоий тармоқлардаги ўзини “турончи” ва “Туркистон ғоясига содиқ” қилиб кўрсатаётган кимсалар нима сабабдан туркчилик ва турончиликнинг ашаддий душмани бўлган диктатор Каримовга унинг суратларини жойлаштириб, уни мадҳ этиб ўз содиқлигини билдиришга интилишади? Агар улар ростдан ҳам турончи бўлса, ИАКни севишларига жуда ўринли шубҳа бор. ИАК ғоясиз, моддиятпараст коммунист эди ва мамлакатда ҳам ғоясизлик ҳамда моддиятпарастлик муҳитини ўрнатди. Каримов халқимизнинг душмани эди, демак халқимизнинг чин миллий ғояси – туркчилик – ҳам унга мутлақо ёт эди. Шу сабабдан туркчилик, Турон ва Туркистон ғоялари ҳақиқий халқпарвар кучларнинг, бугунги ўзбек мухолифатининг ғоялари ва қачонки бу адолатпарвар ва халқпарвар кучлар иқтидорга келса, улар албатта ўз идеалларига содиқ бўлган ҳолда иш юритишади ва юртимизнинг ривожини учун бор куч-қувватини сарфлашади.

Демак, турончи бўлиш ҳозирги ғоясизлик, тубанлик, порахўрлик, ёлғон, иккиюзламачилик, ўрта асрлардаги каби ваҳшийлик иллталари ботқоғига ботган тузумга қарши бўлиш ва мухолифат билан бирга бўлишни англатади.

Юртимизни босиб олган коммунизм қолдиқларига қарши курашиш ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчидир.

Алпарслон Эркчи

**Ёсинори Осуми**

Япониялик хужайра биологияси бўйича мутахассис Ёсинори Осуми физиология ва тиббиёт соҳасида Нобел мукофоти совринига сазовор бўлди.

Нобел мукофоти совриндорларини тақдирлаш ҳафтаси бошланди. Ушбу ҳафта давомида энг шарафли илмий мукофотлар тарқатилади ва тиббиёт, физиология, физика ва



учун ишлатиладиган янги қурилиш блоклари ҳам тайёрланади.

**Фагосоманинг юзага келиши**

Аутофагия ёрдамида хужайралар юзага келган токсинлар ва инфекциялардан тозаланади.

Аутофагия организм стресс остида бўлса жадал равишда ишлай бошлайди. Масалан, очикганда. Бу ҳолатда хужайра ички

## 2016 ЙИЛ НОБЕЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ РЎЗА ТУТИШ ФЙДАЛИ ЭКАНЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

кимё соҳаларидаги ғолиблар эълон қилинади.

Тиббиёт ва физиология соҳасидаги ғолиб номи кеча, 2016 йилнинг 3 октябр куни эълон қилинди. Бу инсон Токио Технология университидан хужайра биологияси бўйича мутахассис Ёсинори Осуми (Yoshinori Ohsumi) бўлди. У “Аутофагия механизmlарини кашф қилгани учун” мукофотга сазовор деб топилди.

Нобел кўмитасининг матбуот ахборотномасида шундай дейлади: “Осумининг кашфиёти бизнинг тушунчамиздаги хужайранинг қандай қилиб ўз таркибини қайта ишлашини янги парадигмага олиб келди.

Унинг кашфиёти очликка мослашиш ва инфекцияга жавоб бериш каби кўплаб физиологик жараёнлар учун аутофагиянинг асосий аҳамиятга эга эканлигини тушунишга йўл очди.

Аутофагия – бу хужайранинг кераксиз қисmlари, унда йиғилиб қолган турли “ахлат”ларнинг қайта тикланиш ва қайта ишланиш жараёнидир. Жараёнга берилган ном термини, икки грекча сўздан ташкил топган ва биргаликда “ўз-ўзини ейиш” деган маънони англатади”.

**Аутофагия механизми**

Ушбу феноменнинг мавжудлигини олимлар ҳали 60-йиллардаёқ аниқлашган эди. Лекин улар механизм ўзликларини тушуниб етишмаган эдилар. 90-йилларда бу ишни Осуми амалга оширди.

Ўз тадқиқотларини ўтказиш натижасида у яна аутофагияга жавоб берувчи генларни ҳам аниқлади.

Ва мана деярли чорак аср ўтиб мукофот ўз қахрамонини топди, ҳамда Осуми Нобел мукофотига якка ўзи лойиқ деб топилган тарихдаги 39-олим бўлди.

Аутофагия тирик организмларнинг ажралмас қисмидир, жумладан бизнинг ҳам. Унинг шарофати билан хужайралар кераксиз қисmlардан халос бўлади, организм эса умуман – кераксиз хужайралардан.

Табиат эҳтиёткор тарзда хужайраларни ортиқча ёки зарарли кўринган нарсаларни ҳазм қилиш каби шунчалик ажойиб ва фойдали хусусият билан таъминлаган. Улар деярли биз каби ҳаракат қилади, фақат автоматик равишда. “Ахлат”ни махсус халталарга – аутофагосомаларга жойлашади. Кейин контейнерга – лизосомаларга

ўтказадилар. У ерда ҳар хил нарсалар вайрон этилиб, ҳазм қилинади. Қайта ишлаш маҳсулотлари эса – хужайраларни озиклантириш учун ёқилги ишлаб чиқаришга юборилади. Шулардан хужайраларни янгилаш

манбалар ҳисобига – ҳар хил тўпланиб қолган ахлатлардан энергия ишлаб чиқара бошлайди. Шунингдек касаллик келтириб чиқарувчи бактериялардан ҳам.

Мукофот совриндорининг кашфиёти шунга гувоҳлик берадики: очиқиш, ва баъзан рўза тутиш фойдали – организм ҳақиқатдан ҳам тозаланади. Бу Нобел кўмитаси томонидан тасдиқланган.

Осумининг ҳамкасblарининг айтишларича, аутофагия танани эрта қаришдан асрайди. Шунингдек, организмдан нуқсонли оксилларни ва шикастланган хужайра ичидаги элементларни чиқариб, уларни яхши ҳолатда сақлаш, янги хужайралар яратиш ҳисобига ҳаттоки ёшартиради ҳам.


**Фагосома ва лизосоманинг бирикиши**

Аутофагия жараёнидаги бузилишлар эса Паркинсон, диабет ва ҳаттоки саратон касаллигига олиб келиши мумкин. Бунинг тушунган ҳолда шифокорлар бузилишларни тўғирловчи ва умуман даволовчи янги дорилар ишлаб чиқара бошладилар.

Аммо... Энди профилактика мақсадида баъзан организмни, эндиликда аниқланишича шифоловчи стрессга солиб, рўза тутиб туриш керак экан.

Ёсинори Осуми 1945 йилда туғилган. Ўзининг 8 миллион швед крони, 950 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдоридagi мукофотини у бошқа совриндор олимлар билан биргаликда 10 декабр куни Стокгольмда олади.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



Яна бир эски мақоламни топиб олдим. 2007 йилда ёзган эканман. Ўқиб кўрдим. Унчалик эскига ҳам ўхшамайди. Худди ҳозиргина тандирдан чиққандек.

Ўзбекистонлик сенатор-ҳокимлар Осиё тараққиёт банкини чув туширишди.

Жиззах вилоятининг қайси туманига борманг, араваларда, велосипед-у, автомобилларда ҳамда яёв холда сув ташиётган одамларга дуч келасиз. Бу ҳолатни айниқса Дўстлик, Пахтакор, Жиззах, Зомин ва Ғаллаорол туманларида кўплаб кузатиш мумкин.

Уларнинг ҳеч бири сизга арзини айтмайди. Микрофон тутсангиз, пақирини ҳам ташлаб қочиб қолади. «Оч қорним, тинч қулоғим» мақоли ўзбекларнинг хаётий шиориға айланган.

Айнан ичимлик сувининг танқислиги туфайли, Жиззах вилоятининг ҳали у, ҳали бу туманида турли юқумли касалликларнинг тарқалиши оддий ҳолға айланган.

Ўтган 2006 йил давомида Жиззахнинг Баҳмал, Пахтакор ва Дўстлик туманларида юқумли касалликларнинг хуружи кўпроқ кузатилди.

50-йилларнинг охиридаёқ тугатилган дея ҳисобланаётган тиф, вабо, куйдирги каби касалликлар, Жиззах вилоятида яна қайта дунёға келаяпти.

Вилоят юқумли касалликлари шифохонаси ходимининг айтишича, бундай касалликларнинг «уйғониши» ичимлик сувининг танқислиги билан боғлиқ.

Масалан, Пахтакор туманидаги Акмал Икромов хўжалигида истиқомат қилаётган 40 мингдан ортиқ аҳоли, мана 1991 йилдан буён, тоза ичимлик сувисиз яшаб келаяпти.

– Юртимиз мустақил бўлди-ю, сувимиз куриди, – дейди хўжалик фуқароси Аҳмад ака, – кувурларни кавлаб чиқариб олишди ва каёққадир сотиб юборишди. Мана, 15 йилдан буён каналдан сув ичиб келаяпмиз.

Аҳмад бобо айтган канал қирғоғи кун ботгунича одамлар, моллар ва қўйлар, кир юваётган қиз-жувонлар билан гавжум. Ҳатто ўтган йили шу туманда тарқалган ва 3 нафар ўсмирнинг ҳаётига зомин бўлган тиф касаллигининг ўчоғи ҳам айнан шу каналдан топилганлиги, қирғоқдаги одамлар ва бошқа жонзотларнинг сонини камайтирмади.

Йўқ ичимлик сувига аҳолидан пул йиғиш эса камайгани йўқ.

Жиззах шаҳридаги аҳвол ҳам туманлардагидан яхши эмас. Кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар учун, 1995 йилдан бошланган «Юқорига сув ташиб чиқиш бўйича мусобақа» деб номланган ўйин ҳали бери тугайдиганга ўхшамайди.

Кўринишидан, вилоятдаги ичимлик суви танқислиги, вилоят раҳбариятидан кўра, кўпроқ, ҳорижий ташкилотларни ташвишга солди шекилли, улар 1999 йили Жиззах шаҳрининг сув таъминоти



## Ўзбекистонлик сенатор-ҳокимлар Осиё тараққиёт банкини чув туширишди

учун 11 миллион 200 минг АҚШ доллари миқёсида грант ажратишди.

Грант, сувга тушган игнадек ғойиб бўлганини айтиб ўтириш шарт эмас. Вилоят раҳбари ўша пайтда Шавкат Мирзиёев бўлганлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатга изоҳ бериб ўтириш ҳам шарт эмас.

Бу орада Мирзиёев Самарқанд вилоятига ҳоким бўлиб кетди, Жиззахликлар эса тамшаниб қолаверишди. Ўша йили Баҳмал ва Пахтакор туманларида тиф касаллиги тарқади ва учта қишлоқда карантин ҳолати эълон қилиниб, ташқи дунёдан узиб қўйилди. Шу қишлоқларнинг 8 нафар фуқароси тиф касаллигидан жон берди.

Бу ҳақда ҳеч қаерда ҳеч қандай хабар берилмади: ҳукуматнинг расмий ОАВлари бу воқеани кўриб кўрмасликка олишди. Фақат, ўша пайтдаги «Интерньюс-Ўзбекистон» ташкилотининг кўмагида тайёрланувчи «Замон» ва «Очиқ Осиё» ахборот дастурлари воқеа ҳақида видеолавҳалар тайёрлаб эфирга узатишди. Кейинчалик ўша журналистларнинг ишдан қувилганликлари сабабларини ҳам айтиб ўтиш шарт эмас.

Вақт эса ўтиб борарди. Ўзбекистон ҳукумати Европа билан алоқаларни чигаллаштирди. Гуманитар ёрдамлар ва турли грантларнинг салмоғи пасайди. Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарёда эса ичимлик суви муаммосининг кўлами ортиб бораверди.

Ва ниҳоят, Вазирлар маҳкамасининг раиси Шавкат Мирзиёев уччала вилоятнинг ҳокимларини чақириб, зудлик билан ичимлик суви муаммосини

ҳал этиш бўйича лойиҳа ўйлаб топишларини талаб қилади.

Зудлик билан бир бирдан ажойиб лойиҳалар тайёрланди. Уларни дарҳол умумлаштиришди ва «Проект по обеспечению питьевой водой малообеспеченных жителей многоквартирных домов трех городов – Гулистана, Карши и Джизака» деб номлашиб, Осиё Тараққиёт банкига топширишди.

Осиё тараққиёт банкида узоқ ўйлаб ўтиришмади. 2005 йилда ушбу лойиҳа учун нақд 65 миллион АҚШ доллари ажратишди қўйишди. Ушбу маблағнинг 20 миллион доллари Жиззах вилояти ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Лойиҳада кўзда тутилган ишлар жорий 2007 йилда якунланиши керак. Жиззахликлар эса ҳайрон: Бошланмаган иш қандай қилиб якунланиши мумкин?

Ажратилган маблағларини ўз ҳисоб рақамига тантана билан қабул қилиб олган «Ўзкоммунҳизмат» агентлиги раҳбари ўринбосари Анвар Муҳаммадалиевнинг таъкидлашича, лойиҳа бўйича барча ишлар 2006 йилнинг феврал ойида бошланиб, 2007 йилнинг июн ойида ниҳоясига етиши керак.

Тўғри, Жиззах шаҳрида у ёқ бу ёқни кавлашди, чекка туманлардаги эски кувурларни кавлаб чиқариб, келтириб шаҳар кўчаларига кўмишди. Шу билан иш тўхтади. Аҳоли эса, кўп қаватли уйларга ҳамон сув ташиб чиқмоқда.

Тез орада кунлар исийди. Жиззахликлар бунини ҳавотир билан кутишмоқда, чунки, иссиқда ичимлик сувига бўлган талаб кучаяди. Талаб эса одамларни

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

яна, турли инфекциялар қайнаб тошаётган канал ва сойларнинг қирғоқларига етаклайди.

Осиё тараққиёт банкининг молиявий ёрдами вилоят ҳокими Убайдулла Ямонқулов ва унинг маънавий устози Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида талон тарож қилинганлигини Жиззахда бугун ҳамма билади.

Ўзбекистоннинг яна бир «камгап» молиявий донори – Япония

мамлакати томонидан яна бир грант маблағи ажратилганлигидан эса кўпчиликнинг хабари йўқ. «Кам таъминланган шаҳар аҳолиси учун ичимлик сув таъминотини йўлга қўйиш» деб номланган лойиҳа учун кунчиқар мамлакатнинг кўнгли бўш банкирлари аллақачон бир ярим миллион доллар ажратишган.

Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, Ўзбекистон Осиё Тараққиёт банкига 1995 йилда аъзоликка қабул қилинган. Ҳозиргача ушбу банк томонидан Ўзбекистонга берилган молиявий

ёрдамнинг ҳажми 915 миллион АҚШ долларидан ортиб кетган.

Осиёдаги йириқ молиявий ташкилотнинг Ўзбекистондаги бўлими бошлиғи Шон О’Салливаннинг матбуот орқали эътироф этишича, юқоридаги маблағнинг 100 миллион доллари Ўзбекистондаги ичимлик сув таъминоти учун сарфланади.

**Улуғбек Ашур**  
Муаллифнинг Facebook.  
com ижтимоий тарсоғидаги  
саҳифасидан олинди



## Огоҳ бўлинг, алданиб қолманг!!!

Диққат! Бўлажак Президент сайлови ҳужжатларини сохталаштириш ҳаракатлари бошланди.

Кеча 30.09.16й. куни фуқароларни алдаш компанияси, яъни барча маҳаллаларда “Паспорт режимини текшириш” бахонасида фуқароларнинг умумий рўйхати тузилиб, фуқароларга имзо қўйдириляпти.

Маҳалла раисларининг ушбу ҳаракатлари ноқонуний, чунки “Паспорт режимини текшириш” жараёнида фуқароларнинг имзолари талаб қилинмайди.

Ушбу ҳаракатларнинг разил мақсади қуйидагилардан иборат:

1. тахмин: Ушбу имзоланган рўйхат фирибгарлик йўли билан “Ш.Мирзиёевга овоз беришни хоҳловчи” ларнинг расмий мурожаатига илова қилиниши мумкин.

2. тахмин: Ушбу рўйхатдан

сайловда қатнашмаган сайловчиларнинг имзоларини сохталаштиришда фойдаланишлари мумкин.

3. тахмин: Ушбу имзоланган рўйхат сайловда сайловчиларнинг 100 фойиз иштирок этганлигини исботи тариқасида тўғридан тўғри Марказий Сайлов Комиссиясига тақдим этилиши мумкин.

**ОГОХ БЎЛИНГ !**  
**ХЕЧ ҚАНДАЙ РЎЙХАТГА**  
**ИМЗО ЧЕКМАНГ, АКС**  
**ХОЛДА**  
**ИМЗОЙИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА**  
**ҚАРШИ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ**  
**МУМКИН**

Адолатли сайлов сиз ва бизнинг келажагимизнинг гаровидир!

Кимда ким имзо қўйишга улгурган бўлса, зудлик билан маҳалла Раисларига ёзма Ариза билан мурожаат қилиб,

имзоингизни бекор қилишни талаб қилинг ва Аризангизни иккинчи нусхасини сақлаб қўйинг.

Ундан ташқари, сайловда иштирок этишни хоҳламасангиз, сайловга берилган Таклифномаларини ўзингизда сақлаб қолинг, ҳеч кимга берманг ! Ушбу сайлов Таклифномалари сизнинг сайловда иштирок этмаганлигингизни исботи бўлиб хизмат қилади, яъни сайловда кўпчилик иштирок этмаса ҳам, сайловда иштирок этганлар сонини сохталаштириш ҳолатларини исботлашга хизмат қилади.

С ай л о в д а г и фирибгарликларни бартараф қилишнинг энг осон йўли – сайловни очиқ овоз бериш йўли билан ўтказишни талаб қилишдир. Бу талабни қўйишга ҳар бир сайловчининг ҳаққи бор.

Сайловни очиқ овоз бериш йўли билан ўтказишда сайлов бюллетенлари бўлмайдди. Ҳар бир сайловчи умумий рўйхатда шахсан овозини кимга берганини ёзиб, имзолайди ёки овозини ҳеч кимга бермаган ҳолда барча номзодларни ўчираб ташлаш ҳуқуқига эга. Сайлов жараёни тугагач, ҳар бир сайлов участкасида ўтказилган сайлов натижалари эртаси куни тонгги газеталарда бир вақтда эълон қилиниши лозим ва уларни МСК умумлаштириб, Республика бўйича сайлов натижаларини эълон қилиши мумкин.

Хушёр бўлинг, огоҳ бўлинг, алданиб қолманг !

**Ш.Рустамов**  
Хуқуқ химоячиси



Ҳаммамизнинг ҳам баданимизда ўзбекона ҳовлиқмалик касаллиги бор! Тўйдан олдин ноғора чалишни яхши кўраимиз...

Ҳатто ўз вақтида йилда икки – уч марта Ислом Каримов ҳам “амнистия” эълон қилиб турганини унутдик шекилли! Энди унинг издоши ҳам “амнистия” эълон қилибди.

Одатда, ҳарбир янги келган ёки келадиган “БОШИ” ўзини шу йўл билан кўрсатиб қўйишга уринади. Бу галги Мирзиёнов эълон қилган “амнистия” фақат ҳарфлари билангина фарқ қилади! Дикқат билан ўқимай туриб, байрамни ва тантанали “қайтиш” тарғиботларини бошлаб юбордик. Асосан кимлар бу тарғиботларга зўр бераётганларига дикқат қилинлар... Улар – аввалдан ҳам ҳукумат тепасидаги мустабидларнинг сиёсатларини гоҳ пардалироқ кўринишда, гоҳ очиқчасига қўллаб келаётган “десант”лар ҳолос... Улардан ташқари, баъзи ишонувчан, соддадил дўстларимиз ҳам йўқ эмас ва бу ҳам табиий ҳол...

Этибор беринг, Мирзиёнов энг аввало турли иқтисодий жинойтлари, порахўрликлари ва тўғридан – тўғри ўзига хос “мафия” тузиш ҳаракатида бўлганлари учун қамалган ўзининг эски сафдошларини чиқарди



## Бу сиёсий тузум эмас, мафия тузумидир!

ва иш жойларига қайтарди. Эндиги ҳаракатида ҳам шунга ўхшаш молиявий – иқтисодий жинойтлари учун қамалганларни озод қилиш назарда тутилган “амнистия” ҳужжатини парламент муҳокамасига топширган.

Унинг бу иши менга Сталин ўлганидан кейин Маленков эълон қилган амнистияни эслатди. Ўшанда ҳам кўплаб ўғрилар, қароқчилар тўда – тўда озодликка чиқиб, мамлакатда безорилик, ўғрилик, қароқчилик, қотилликлар роса авжига чиққан эди....

Ўшалардан иккитасини ўз кўзим билан кўрганман. Сирдарё районида, “Велико – Алексеевский” номли кишлоқ бозори йўлида бири – бир бозорга келганнинг эшагини, бири бошқа бир деҳқоннинг отини тортиб олиб, ўзларини отиб ташлаган, бири отга, бири эшакка миниб, йўл бўйи тўғри қелганни отиб кетаберган эди... Ўшанда Сафар ота исмли бир колхоз дала мудирини ҳам отиб кетишган. Мен болалик йилларим у одамнинг болалари билан ўртоқ эдик ва уйларига тез – тез бориб турардим... Раҳматлик Сафар отани ҳамма “Сафар ота” деб атарди, Ҳурмати баланд эди. Миллати қозоқ бўлганини кейинроқ билганман...

Кейинроқ, ўша отиб кетган безориларни халқ тутиб олиб, “оломон” қилганлари ҳам кўз ўнгимда!

Сиёсий қарашлари, инсоний ва диний эътиқодлари учун қамалганлар чиқарилмаган... Уларнинг ҳарбири озодлиги учун кейин ҳам узоқ йиллар кураш олиб борилган ва “оқлаш” жараёни то етмишинчи йилларга қадар чўзилган эди!

Бу сиёсий тузум – сиёсий тузум эмас, ҳокимиятни эгаллаб олган жинойтчилар тўдалари ўзлари учун мослаб, ўрнатиб олган мафия тузумидир!

**Ёдгор Обид**

Шавкат Мирзиёевга қарши норозилик ва қаршилиқни, уни танқид қилишни ҳозирдан бошлаш керак! У билан мулоқот, мунозара натижаси ҳар доим нолга тенг бўлади. У билан мурасага бормоқчи бўлганлар эса – ўзбекнинг душмани.

Атрофга бир назар солинг, нималар бўляпти Ўзбекистонда? Уша уша буйруқбозлик, “ура ура”чилик, халқдан иҳоталаниш, унинг кўзига чанг пуркаш...

ОЗОДЛИК радиосидаги хабардан: “Бош вазир бориши эҳтимоли бўлган кўчаларга шошилиш тарзда асфальт ётқизилган.” Илгари Озодлик радиосига гапирган мутахассис, технологияга зид тарзда шошилиш тарзда ётқизилган асфальт сифатсиз бўлиши, қору-ёмғирлардан сўнг кўчиб, бузилиб кетиши ҳақида гапирган эди.”

Айнан шундай. ШМ Жиззах вилоятида ҳокимлик пайтида, тадбиркорларни пулига қурдирган барча иншоотлари, у Самарқандга кетар кетмас, нураб тушган.. Ҳар йили миллионлаб пул сарфланиб қайта таъмирланадиган бу бинолар ва йўллар ҳамманинг жонига тегиб кетганди. Энди ШМнинг бу



## Ўша ўша буйруқбозлик, “ура ура”чилик, халқдан иҳоталаниш, унинг кўзига чанг пуркаш...

“Зарбдорларча қуриш” лойиҳаси бутун республикага ёйилади. Афсуски, Ватанимиз билан

боғлиқ барча ноҳуш башоратлар амалга ошадиганга ўхшайди...

**Улуғбек Ашур**

## Конституциявий ёлгон ҳукмронлиги шароитида уюштирилаётган навбатдаги сайлов ҳам танловсиз ва сохта бўлиши муқаррардир

Конституцияда келтирилган қонун мақомидаги қоидалардан иборат ёлгон ҳукмронлик қилиб келган сиёсий шароитдан қутилмоқ учун 1990-йилнинг 20-июн куни Давлат Мустақиллиги тантанали эълон қилинганди. Давлат ҳокимиятининг барча тизилмалари устидан ўз назоратини ўрнатган Компартия қаршичилигини енгиб қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси, унинг совет конституцияси ёлгонларидан озод бўлган янги конституцияга асос сифатидаги талаб ва қоидалардан иборат 12-та банди, қонун мақоми олиган эди.

Мустақиллик Декларациясига руҳан ва ҳарфан мос келадиган янги конституция лойиҳаси 1992 – йилнинг 19-июн куни муқобил лойиҳа сифатида парламентга топширилди ва уни бошқа лойиҳалар билан биргаликда умумхалқ овозига (референдумга) қўйиш сўралди.

Аммо, 1992-йилнинг 8-декабрида

ўзида совет конституцияси ёлгонларини сақлаб қолган янги конституция референдумсиз ва муқобил лойиҳасиз қабул қилинди. Ундан олдин “конституциянинг муқобил лойиҳаси”, “конституцияни референдумда қабул қилиш” тушунчалари қатағон қилинди, уларни матбуотда босиш ман қилинди. Мустақиллик Декларацияси руҳан ва ҳарфан инкор қилинди, унинг қонун мақомидаги қоида ва талабларига риоя қилинмади.

Сиёсатда муқобиллик тамойилининг инкоридан иборат иллат давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошланиб, янги конституция қабул қилиш тадбирида аниқ юзага чиқди ва бу иллат ҳозирги кунгача ўтган барча турдаги сиёсий тадбирларда ўз аксини топиб келмоқда. Натижада сайловлар танловсиз ҳолатга келтирилди, сайловчиларнинг танлаш ихтиёри кишанланди ва жамият ҳаётида кўплаб сохталиклар

илдиз отди.

Сиёсатдаги муқобиллик инкоридан иборат иллат кўплаб бошқа иллатларни келтириб чиқарди. Совет давридаги бошқарув услуби ҳисобланган маъмурий-буйруқбозлик ҳозирги кунга келиб Мустақил Ўзбекистонда маъмурий-калтакбозлик сифатида намоён бўлаётгани муқобиллик инкори ҳосиласидир. Ҳосила иллатлар ҳам турли-туман, ҳаётнинг турли соҳаларида илдиз отмоқда.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодда муқобиллик тамойилининг инкоридан иборат иллат чин маънодаги озод тадбиркорликнинг, озод бозорнинг юртимизга кириб келишига асос тўсиқ бўлиб турибди. Бу иллат амалдаги конституциянинг 55-моддасида ўз ифодасини топган ва айнан шу модда кўплаб иллатлар манбаъидир.

АТАНАЗАР АРИФ  
08.10.2016й, Тошкент

Ўзбекистоннинг Жаҳон Банки лойиҳаларига жалб қилинган туманларида пахта йиғим теримида мажбурий меҳнатдан фойдаланилмоқда, деб хабар беради Тошкентдаги нодавлат Инсон ҳақларини ҳимоя қилиш альянси.

Жаҳонбанкнинг Ўзбекистонга инвестиция киритишининг асосий шартларидан бири мажбурий меҳнатдан воз кечиш ҳисобланади.

Олдинроқ, фаоллардан иборат “Кўрқмаслар” гуруҳи Бўка туман пахта даларида кўп сондаги шифокор ва ўқитувчилар, тарбиячилар пахта тераётганларига гувоҳ бўлган эди.

Ангрен

Суратдан биргина шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 600 дан ортиқ отряди борлиги англашилади.

Олот

Альянсининг билдиришича, Бухоро вилояти Олот туманида ҳам шифокорлар ҳар куни эрталаб соат 4 дан автобусларда пахта



### “Жаҳон Банки Ўзбекистондаги мажбурий меҳнатга эътибор қаратсин!”

далаларига олиб кетилмоқда. Бироқ далаларда пахта деярли қолмаган сабабли, шифокорлар 4-5 килограмдан пахта теришларига тўғри келмоқда.

Хуқуқ фаоллари бир қатор ўқитувчилар, шифокорлар билан суҳбатлашганлар.

Жумладан, 28 мактаб директори Норкул Сафаровнинг айтишича, Олот туман мактабларининг 50 фоиз ўқитувчилари пахтага олиб чиқилмоқда.

Талабалар пахтага олиб чиқилиши рад қилинаётган

бўлсада, қишлоқ хўжалиги ва касб коллежларининг талабалари ёталай пахтага жалб қилинганлар.

Пахта теримидан “Олот ҳаёти” туман газети ходимлари ҳам четда эмас.

Альянс фаоллари кузатувларини давом эттириб, Самарқанд вилоятида бўлганлар.

Пастдарғом туманида ҳам худди шундай шифокорлар, ўқитувчилар ва коллежларнинг учинчи босқич талабалари пахта теришяпти.

Маҳаллий яшовчиларнинг билдиришларича, Пастдарғом тумани ҳокими кечки соат 8 дан тунги 3 гача мажлис ўтқазиб, раҳбарлардан пахтага чиқадиганлар сони кўнайтиришни талаб қилмоқда.

Бу воқеалардан воқиф бўлган альянс фаоллари Жаҳон банки ва Халқаро Меҳнат ташкилотига мурожаат қилиб, Ўзбекистонда мажбурий меҳнат қўлланилаётгани фактларига эътибор қаратишга чақиради.

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)

Ислол умматининг таникли олимларидан бўлган Шайх Сулаймон Улвон Саудия режимининг "айтганларимизни қабул қилсанг 15 йиллик жазо муддатини бекор қиламиз" деган таклифига "бошимни кессанглар ҳам мен буларни қабул қилмайман" деб жавоб берган. Шайхнинг ҳаётини ўрганадиган бўлсак, унинг шахс сифатида 1990-йилги Кўрфаз Инқирозидан бугунги кунгача давом этиб келаётган режим ва муҳолифат ўртасидаги алоқаларга ойдинлик киритувчи эканлигини кўрамиз.

Шу йилнинг август ойида 15 йил қамол жазоси олган олим Шайх Сулаймон Улвонга режим икки нарсани эълон қилса озод қилинишини ва тергов-суриштирув ишларини тўхтатилишини таклиф этган:

1. Саудия бошқарувчиларининг маршрут Муслмон бошқарувчилар эканлиги;

2. Саудияда қонунларнинг шариатга мувофиқ эканлиги, қиролнинг ўзи чиқарган қонунлар эмаслигини.

Сулаймон Улвон эса бу таклифга "Бошимни кессанглар ҳам мен буларни айтмайман" деб жавоб берган.

Шайх ёшлик пайтларидаёқ илмий давраларда буюк шўҳрат қозонди, охириги йилларда эса халқаро миқёсда танилди. Хоссатан ҳадис илми соҳасидаги илми билан машҳур олим ибн Ҳажар Асқалонийдан (1372-1448) кейин бугунги давримизгача яшаган энг буюк ҳадис олими дея эътироф этилмоқда.

Шайх Саудия Арабистонининг Қосим вилояти маркази Бурайдада 1969-йилда 9-йилнинг 4-си бўлиб туғилди. Улвон кичик ёшларидан эътиборан диний йиллар ола бошлади.

14 ёшида мамлакатдаги мактаб таълимни тарк қилди ва дин уламоларидан дарс олди. Дарсларини интизомий шаклда дарс халқаларига қатнашиб давом эттирган Улвон, ўша йиллардан бошлаб ҳифзи, закилиги, тунушиш кенглиги билан атрофдагиларни ҳайратга солди. Диний таълимнинг илк йилларида Қуръони Карим билан бир қаторда Кутуби Ситгани (6 ҳадис китоби: Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва ибн Можаһнинг саҳиҳ ҳадис тўпламлари) ҳадис матнлари ва санадлари билан ёд олди.

Кейинги йилларда "Кутуби Тисъа"ни (Тўққиз ҳадис китоби, "Кутуби Ситта"га қўшимча Аҳмад ибн Ханбалнинг Муснади,

## Саудия режими тиз чўктира олмаган олим Сулаймон Улвон

Доримийнинг Сунани, Моликнинг Муваттоси) ҳадис матнлари ва санадлари билан ёд олди. Бундай ҳадис ёд олиш сўнги асрларда ҳеч кўрилмаган эди. 1990-йиллар бошидан эътиборан олимлар уни ҳадис илмида дунёнинг энг буюк олими деб атай бошлади. Улвон бундан ташқари диний соҳада қомусий манба ўлароқ қабул қилинган кўп сонли диний асарларни ҳам ёд олди.

Улвон ўша йилларда ўзига берилган диний саволларга берган жавобларида ҳадисларнинг ҳаммасини бутун келиш йўллари, санадлари, машҳур ровийларнинг ҳадис ҳақидаги фикрлари билан нақл қиларди. Бундан жуда кенг бир ҳофиза ва ёдлаш қувватини ўзида мужассам қилган дунёда ягона олим эканлиги келиб чиқади.

У жуда ёш пайтларида ўз туғилиб ўсган юрти Бурайдада жума кунларидан ташқари ҳафтанинг ҳар кунини бомдод, пешин ва шом намозларидан сўнг дарс беришни бошлаган. Шунингдек ўзи ҳам таълимни давом эттирган. Улвонга анча йиллардан кейин ўша пайтларда бир кунда неча соат дарс билан машғул бўлардинг деб сўрашганда "15 соат" деб жавоб берган.

1990-92-йиллар орасида ҳадис илми соҳасида янги даражадаги илмий фаолият учун Мадинага борди. Бу ерда ҳадис олимлари билан кенг равишда илмий ишлар олиб борди. Улвон 1992-йилда Мадинанинг энг буюк ҳадис олими ўлароқ қабул қилинган Ҳаммод Ансорийдан (1924-1997) бутун илмий ишлари билан боғлиқ ижоза олди.

У 1992-йил 23 ёшида Мадинадан Бурайдага қайтди ва бу шаҳардаги олдин имомлик қилган масжидини даъват ва академик изланишлар марказига айлантirdи. Бурайдаликлар Улвонни жуда яхши кўришарди. Йиллар сўнгра эса унинг доврўғи атрофдаги туманларда, кейинроқ эса бутун Арабистон бўйича, кейинчалик эса халқаро майдонда тарқалди.

Бу даврда ундан дарс олган жуда кўп шогирдлари кейинчалик Арабистон ичкарасида ва ташқарисида Олабий Жиход Ҳаракати сафларидан жой олдилар. 2013-йил декабр ойида Вазирастонда инсонсиз учоқ

ҳужумида шаҳид бўлган Холид Ҳусайнан ҳам Улвоннинг дарсларига қатнашганлиги ва Улвоннинг Ҳусайнанга мафкуравий томондан жуда катта таъсири бўлганлиги маълум.

Қўлга киритган ютуқлари сабабли 1990-йилларнинг бошида илмий давраларда буюк бир муҳаббат ва ҳурмат қозонган Улвон ҳақида Арабистоннинг бошқа бир олими ва йини пайтда Улвоннинг устозларидан бири бўлган Ҳаммуд бин Уқла Шуайбий шундай деган: "Кўп сонли илм аҳли билан бирга бўлдим аммо мен ҳаётим бўйича Сулаймон Улвон қадар кенг тушунчали, ҳифзли ва чуқур илм соҳиби бўлган бирор кимсани кўрмадим".

Шайх Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймин Улвон ҳақида ўзига келган ижобий маълумотларга кўра 1995-йил бошларида телефон орқали унга боғланиб баъзи фикрий масалаларни муҳокама қилиб, уни синаб кўради.

Улвоннинг жавобларига ҳайрон қолган Усаймин, "Бурайдадаги 26 ёшли ёш олим" афсонасини тасдиқлайди ва Улвон билан алоқасини кучайтиради. Бу вақтда Усаймин ҳадис санадлари ва матнлари ҳақидаги ҳамма саволларида фақат Улвонга мурожаат қилди ва унинг илмидан қониқиш ҳосил қилди.

1995-йилда Усаймин машҳур асари "Ал-қовлул-муфид ғала Китабут-Тавҳид" исмли асарини Улвонга жўнатиб, ундан китобни синчиклаб тадқиқ этишни ва мулоҳазаларини билдиришини сўрайди.

Улвон Усайминга, китобни ёқтирганини, китобда 30 жойга ишора қилиб мулоҳазаларини билдирганини, бу қисмларини ўзи белгиланган равишда ўзгартирса яна ҳам фойдали бўлишини айтади. Усаймин Улвоннинг мулоҳазаларини ҳақли деб топади ва китоб иккинчи нашрда Улвоннинг тадқиқи ва тузатишларидан ўтди шаклида босилади.

1994-йилдан эътиборан Саудия режими ўлка ичидаги исломий муҳолифатни ҳадаф қилиб босқинлар уюштирди.

Саудия режими 1996-йилдан эътиборан Шуайбий атрофига тўпланган муслмонларни "Шуайбий мадрасаси" дея номлади.

Улвон ҳам бу мадрасага дохил эди. Шу сабабли Улвоннинг ҳам Саудия режими томонидан ҳадаф олиниши ҳеч ким учун кутилмаган ҳол эмас.

Манба: Facebook.com



## Мирзиёевнинг фармони хайбаракаллачи депутатларни фаоллаштирди

Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги куруқ гап-сўзларнинг янги тўлкинини бошлаб берди.

Ўзбекистондаги барча нашрлар мазкур фармонга турли тоифадаги кишилар муносабатларини эълон қилишга тушиб кетди.

Фармоннинг «муҳим аҳамияти»,

унинг тадбиркорлик фаолиятини «дунё мезонлари бўйича ривожлантиришга замин яратиши» айтилмоқда.

Ҳар доимгидек, фармонга муносабат билдиришга парламент депутатлари жуда фаоллиги сезилиб

турибди. Деярли ҳар бир газетада бирорта депутатнинг бу борадаги мақоласини ўқиш мумкин.

Хусусан, «Адолат» газетаси (07.10) орқали чиқиш қилган «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қодир Жўраев фармонни шарҳлар экан: «...депутатлар ушбу фармон мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда, унда белгиланган кенг қўламли чоратадбир ва устувор йўналишларни рўёбга чиқаришда ниҳоятда ташаббускор ва фаол бўлиши талаб этилиши»ни таъкидлайди.

Депутатнинг ХДП фракциясидан

бўлган ҳамкасби Ёқуб Умаров эса «Ўзбекистон овози» газетасидаги (08.10) чиқишида бу фармондан «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» партиясининг манфаатлари йўлда фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади.

«...мазкур фармон партиямиз сайловолди дастурида белгиланган қатор вазифалар амалга ошишига, ўз ишини йўлга қўйиш ниятидаги электоратимиз вакилларининг интилишини янада кучайтиришга хизмат қилади», дейди собиқ коммунистик партия меросхўри бўлган депутат.

Юқорида тилга олганимиз каби фармонлар Ислоҳ Каримов даврида ҳам беҳисоб чиқарилган. Депутатлар ҳам уларни «тарихий ҳужжат» дея баҳолаб, сон-саноксиз чиқишлар қилган. Лекин бу «тарихий ҳужжатлар» сувга тушган тошдек йўқолиб, фақат қоғозда қолиб кетгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ҳа айтганча, янги фармон баҳонасида эълон қилинган чиқишлар эски «тарихий ҳужжатлар» чиққан вақтда чоп этилган муносабатларнинг айнан ўзидир. Фақат бунда фармоннинг номи ўзгарган, холос...

**Баҳодир Шариф**

Ўзбекистонлик газетхон таҳаллуси  
Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

Тошкент кўчаларининг биридаман. Атроф жим-жит, негадир мошиналар ҳам юрмаяпти.

Қарасам, ёнимдан 3-4 нафар ёшлари 12-13 атрофларида бўлган ўспирин ўтди. Юзларида қанақадир шодлик, хуррамлик ва мағрурлик кўринар эди. Кенг кўчанинг бошига қарадим... Қарадим-у, бор вужудимни ҳайрат эгаллади. Кўчанинг бошида қатор одамлар кўринди.

Дикқат билан қарадим: аксарияти 12 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар – мен мансуб бўлган авлод, ораларида бир неча ёши каттароқ аёллар ва эркаклар ҳам бор эди.

Улар кўлларида алла қандай баннерларни, ёзувларни кўтариб кетаётган эди. Ичимдаги ҳайрат шундай кучли эдики, бу намоийшчилар ёнимдан ўтиб, мени анча ортада қолдирганларини пайқабман. Уйламасдан уларнинг орқасидан чопдим.

Ортимдан онамнинг овози эшитилди. «Тўхта, болам, борма у ёққа!» – деяётганди у.



## Ширин туш

Лекин мен қулоқ солмадим. Онамни тинчлантириш учун «Ҳаммаси яхши бўлади. Мен сиз учун, бошқалар учун, халқим учун

курашаман», – дедим-у, йўлимда давом этдим...

**Алпарслон Эркчи**

## Қуръони каримдан хато қидирган олим ҳайрати

Шимолий Америкадаги энг йирик Торонто университети математика ва мантиқ фанлари устози профессор Горий Маляр насронийлик динига даъват қилувчи, муқаддас китоб Инжилдан хабардор киши эди. У ўз фан соҳаси математика, мантиқни жуда яхши кўрганидан ҳар бир ишга мантиқий ёндашишга ҳаракат қиларди.

Кунларнинг бирида профессор мусулмонларни насронийлик динига даъват қилишида кўмак бўлади, деб Қуръони каримдан хатолар излашга киришади. У Қуръони каримни араблар маданияти, турмуш тарзлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, 14 аср олдин тушган қадимги китоб бўлса керак, деб ўйлайди.

Кечки пайт хонасига кириб Қуръони каримни кўлига олади. Китобдаги жумлаларни ўқир экан, ўйлаган нарсаларидан умуман бошқа маълумотларни кўриб ажабланади. Қуръони карим дунёдаги бошқа бирорта китобда топилмаган маълумотларни ўз ичига олганини билади. Аслида, у ҳозир китобни очсам, биринчи бўлиб Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётидаги бошидан кечирган оғир кунлари; аёли Хадичанинг, фарзандларининг вафоти ҳақидаги маълумотларга дуч келсам керак, деб ўйлаган эди. Бироқ у ҳақда бирор маълумот топа олмади. Қуръони каримдаги бутун бошли бир сура Марям онамизнинг номи билан номланганини, сурада Марям онамизга кўрсатилган юксак эҳтиромларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайди. Сабаби бу олим ўзи ўқиган китоб Инжилда ҳам бундай эҳтиромларни учратмаган эди. Кейин у Қуръоннинг бошқа суралари пайғамбарнинг энг суюкли хотини Ойша ёки фарзанди Фотиманинг номи билан номланганмикан, деб қидиради бирор сура бундай ном билан номланганини кўради. Қуръони каримни варақлаб Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) номлари бор йўғи 4 марта зикр қилинганини, Исо (алайҳиссалом) эса 25 мартаба зикр қилинганини кўриб ҳайрати янада ортади. Бундай маълумотларни ўқиётган Горий Маляр энди Қуръонни диққатлироқ ўқий бошлади. Шояд, ундан бирор хато топса. Бу сафар у ажойиб бир оятга тўқнаш

келади. У “Нисо” сурасининг 82 ояти эди: “Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чуқурроқ) фикр юритмайдиларми?! Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг хузуридан (келган) бўлса эди, унда кўпгина қарама-қарши гапларни топган бўлур эдилар”.

Профессор бу оятни ўқиб бундай дейди: “Қизик, ҳозирги кундаги машҳур илмий принципга кўра ҳар хил назариялардаги хатоларни топиш, уларнинг сохталиги ёки ҳақиқийлигини ўрганиб тадқиқ қилиш бўлса, бу Қуръон карим мусулмонларни ҳам мусулмон бўлмаган барча инсонларни ҳам ўзидан хато топишга чорлаётганига қаранг, унинг устига Қуръон: “Ҳаргиз бирор хато топа олмайсизлар”, деб таъкидлаган. Дунёда бирор бир муаллиф китоб ёзиб: “Бу китоб хатолардан холи, қани бирор хато топиб кўрингларчи”, деб айтишга журъат қила олмайди. Лекин Қуръонда, бунинг акси ўлароқ сизга: “Унда бирор хато йўқ”, деб айтилган, аниқроғи сизга унда хато кидиришни таклиф қиляпти, кейин ортидан “Ҳаргиз топа олмайсиз”, дейишга журъат ҳам қиляпти”.

Профессор яна бир оятни ўқиб узоқ ўйланиб қолади. Бу “Анбиё” сурасининг 30 ояти эди: “Қофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмайдиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?!”

Профессор бу оятни ўқиб куйидагиларни айтган: “Аниқ айта оламанки, бу оят 1973 йили “Нобел” мукофотига эга бўлган илмий тадқиқотнинг мавзуси ҳисобланади. Тадқиқот “Big Bang”, яъни катта портлаш назарияси ҳақида эди. Унда келган маълумотларга кўра, борлик, ундаги еру осмонлар, юлдузлар айнан ана шу катта портлаш натижасида пайдо бўлган экан. Оятда келган (قتر) “Ротқ” калимаси, яхлит бир нарсани билдирса, ундан кейин келган (قتف) “Фатқ” калимаси, эса ўша яхлит нарсани парчалаганини, ёрилганини англатади. Қизик, мазкур назариянинг айни ўзи-ку! Оятнинг кейинги қисмига келсак, унда ҳаёт манбаи – сув ҳақида гап кетяпти, яъни: “...барча

тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмайдиларми?!”

Ҳозирги замон илм-фани тирик ҳужайра ситоплазмдан ташкил топганини, ситоплазманинг асосий қисми эса, яъни 80 фоизи сувдан иборатлигини исботлади. Шундай экан 1400 йил илгари ёзишни ҳам ўқишни ҳам билмайдиган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу гапларни қаердан ҳам биларди, агар у Аллоҳ таоло томонидан ваҳий орқали билдирилмаса, деганча узоқ ўйга чўмади. Хонада сукунат, ниҳоят профессор Горий Маляр Қуръони карим Ҳақ таолонинг китоби эканини тан олиб Исломни қабул қилади. Бу ҳолат 1977 йили содир бўлади. Шундан кейин у дунёнинг турли ўлкаларида Ислом дини ҳақида маърузалар олиб боради. Хусусан, маърузаларининг бирида мусулмонларга қараб бундай дейди:

“Эй, мусулмонлар агар бошқа дин вакилларига қараганда сизларга берилган неъматларнинг ортиқлигини билсангиз эди, муслима онадан дунёга келиб ва унинг қарамоғида тарбия топганларингиз, мусулмон бўлганингизга шукр қилиб сажда қилар эдингиз. Агар сизлар ва бошқа дин вакилларидаги илоҳиёт, рисолат, пайғамбарлик, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб бўлиши, жаннат ва жаҳаннам назарияларига эътибор бериб қарасангиз, Аллоҳ таоло сизларни мусулмон қилганига шукр қилиб сажда қилган бўлардингиз. Чунки бошқа дин вакиллари назидидаги бу назариялар мантиққа тўғри келмайди, уларни саломат ақл қабул қилмайди”.

Профессорнинг “Ал-Қуръанул музхил” (Ҳайратга солувчи Қуръон), “Ал-фарқ байнал Қуръан вал китаб ал-муқаддас” (Қуръон билан, муқаддас китоб орасидаги фарқ), “Назротун исламийятун ли асалибил мубашширин” (башорат берувчилар услубларига исломий қараш) каби Ислом дини ҳақида ёзган китоблари ва ундан бошқа бир қанча китоблари бор. Унинг кўплаб китоблари инглиз тилида интернет сайтларида чоп этилган. Горий Малярнинг маърузалари натижасида кўплаб инсонлар Ислом динини қабул қилдилар.

Манба: [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz)



## “Тинчлик Оллоҳнинг неъматиди, уни бир одамга боғлаб қўйиб бўлмайди...”

Тинчлик гаровими?  
Ёз ўтиб, куз келди. Кузнинг биринчи кунлариданоқ қалбимда бир бўрон кўтарилди.

Дилим вайрон бўлди.  
Хаётим издан чиқиб кетди. Ваҳимага тушиб қолдим. Уйнинг энг ичкарасидаги хонага кириб, кўрпага беркиниб ётдим.

Хаёлимда ҳозир бўлмаса, бугун-эрта экстремисту-террористлар хужум қилиб қолади... Тинчлигимизни бузади.

Барқарорликни издан чиқаради.

Ким бизни ҳимоя қилади ички ва ташқи офатлардан?

Бир ой шунақа яшадим. Ҳамма нарса кўзимга хавф ва душман бўлиб кўринарди. Ҳатто яқинларимдан ҳам шубҳалана бошладим.

Ишонган тоғимизнинг ағдарилганини тушуниб етмаётганлари учун жаҳлим чиқарди.

Охири яқинларим келиб, “буни домлага обормасак бўлмайди”, дея нафаси зўрлиги билан танилган Аҳмад қори акага дам солдиришди.

Мулла акам аввал бу ваҳиманинг сабаби недур, деб сўрадилар.

Борини айтдим. Улар мийғларида жилмайдилар.

“Бўтам, тинчлик бу Оллоҳнинг неъматиди, уни бир одам билан боғлаб бўлмайди...”

Кўзим мошдай очилди. Қалбим таскин топди. Уйга келиб бир мулоҳаза қилдим.

27 йил давомида шу биргина каломни нега ҳеч ким гапирмади?

27 йил давомида нима учун фақат телевизор деган бугун кўзимга бир кўзли маҳлуқ бўлиб кўринаётган “палакатдан” ақалли бир жумла ҳақиқат айтилмади?

Айтилгани, коса тагида нимкоса қилингани шу эдики – “Ўзбекистонда Ислоҳ Каримов бўлмаса уруш бошланади...”

Буни фан тилида сублиминал таъсир дейишар экан.

“25 кадр” дейилар экан...

Хуллас, шу йиллар мобайнида мияда йиғилиб қолган “керакмас файллар”ни ўчиришнинг ягона йўли бу озгина бўлса ҳам диндан хабардор бўлиш экан деган қарорга келдим.

Шунга таквадор қўшнимнинг олдига чиқдим. Келинг, акажон деб кутиб олди.

Бошимдан кечган воқеалардан кейин, ундан бир оз диний таҳсил олиш ниятим борлигини айтдим. У эса “Акажон, диний илм ўргатиш савоби олий, лекин буни замон кўтармайди. Сизга қўшиб мени ҳам олиб кетишади. Менинг лицензиям йўқ. Маслаҳатим сиз яхшиси расмий жойларда таълим олинг”, деди.

Шунақа расмий жойларнинг рўйхатини қидирдим.

Атиги 2-3 тасини топдим.

Аммо менинг ёшим тўғри келмас экан бу даргоҳларга киришга.

Ўзимча китоблар олиб ўқийман десам, у ҳам ўхшамади.

“Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деганларидай... сўзларини тушунаман, лекин жумлаларнинг маъзини чақолмай овораю сарсонман.

Авваллари масжидларга жумага чиқсанг, имомга бир варақда савол узатиб юборсанг, жавобини батафсил оларнинг, ҳозир эса умумий дуо ва идорадан келган тезис билан чекланишади.

Асосан тинчликни сақлаш ҳақидаги маърузалар. Кўпгина саволларимга жавоб тополмай қоляпман. Шунга Сиз орқали “Ҳидоят Сари” кўрсатувиغا муурожаат қилмоқчи эдим.

Шу келгуси Жумадаги дастурингизда васиятни бузиш, мерос ва ворислик ҳақидаги масалани батафсил тўхталсангиз, деган таклифим бор.

Қолаверса, мен каби авом халқ вакили учун қаерда оз-моз диний билим олиш имкони бор?

Шу масжидларда якшанба кунлари лицензияси бор имомлар 1-2 соатлик дарслар уюштирса аъло иш бўларди.

Хабарларга қараганда, ёнғиндан кейин қайта қурилган тарихий “Жўрабек” масжиди янги “Ислоҳ ота” номи билан очилар экан.

Балки бу ташаббусни айнан шу жойдан бошлаб берилар?

Тушунаман, тинчликка ҳеч нарса етмайди.

Айниқса кўнгилик хотиржамлигига...

Менга ўхшаб ўз уйидаги хоналардан бирига кириб, кўрпага ўраниб, ана уруш бўлади, мана бўлади, деб ётганлар қанча бўлса Ўзбекистонда...

Шунга домламизнинг менга айтганини яна такрорлаб қўйсам, ҳарна кимгадир даво бўлади.

“Тинчлик Оллоҳнинг неъматиди, уни бир одамга боғлаб қўйиб бўлмайди...”

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)

Сарлавхага чиқарилган саволга дарров жавоб бераман! Кеча, 2016 йил 6 октябрь куни, Эрон миллий терма жамоасига Ўзбекистон миллий термаси эмас, шу термани расман қўлга олиб, унга футболчи танлашда ноҳолислик қилаётган шахслар ва уларнинг “ёқимтой”ларидан иборат бир гуруҳ футболчилар мағлуб бўлишди.

Ҳа, кеча эронликларга ўзбек миллатининг термаси эмас, Самвел Бабаяннинг “терма”си мағлуб бўлди. Термани собиқ менеджерга топшириб қўйган Мираброр Усмонов мағлуб бўлди.

Мен миллий ва шахсий терма жамоалар ўртасидаги тафовулар ҳақида ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Шахсий “терма” жамоаларга бош мураббийнинг ёқимтойлари, келаси йил мураббийга кадрдон клубда ўйнашга ваъда берган ёки чет эл клубларига бош мураббий орқали ўтиш илинжида юрган футболчилар чақирилади. Миллий терма жамоага эса бугуннинг энг кучлилари чақирилади.

Тасаввуримдаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси кеча Эронга қарши ўйнаган Бабаян “термаси”дан анча кучли. Менинг тасаввуримдаги миллий термада Шуҳрат Муҳаммадиев, Фозил Мусаев, Темурхўжа Абдуҳолиқов, Санжар Турсунов каби футболчиларга жой бор. Бабаяннинг “термаси”да эса бундай футболчиларга жой йўқ.

Менинг тасаввуримдаги миллий терма жамоада дарвозани форс клубида захирада ўтириб, “Пахтакор”га қайтиб келган Александр Лобанов эмас, “Локомотив” дарвозабони Игнатий Нестеров қўриқлайди.

Менинг тасаввуримдаги миллий терманинг хужум чизигида Ўзбекистон чемпионатида тўпурарлик қилаётган Темурхўжа Абдуҳолиқов ўйнаган бўлар эди. Бабаяннинг “термаси”да эса бу йигитга ўрин йўқ! Бечора Темурхўжа бир пайтлар “Пахтакор”дан хориж клубига кетаётганда “халқ жамоаси”нинг устози кейинчалик терма жамоага ҳам устоз бўлишини билмаган, албатта!

Санжар Турсунов ҳам бир пайтлар “Пахтакор”да захирада қолиб кетаётганидан норози бўлиб, Россия клубига кетиб қолган. Фалакнинг гардиши билан “Пахтакор” мураббийлари штаби кейинчалик термага кўчиб келишини у бечора ҳам қаердан билсин?!

Бабаяннинг “термаси”да



## Эронга кимнинг термаси мағлуб бўлди? Ёқуд миллий ва шахсий терма жамоалар ҳақида

хужумда терма учун бу йил биронта ҳам гол урмаган Игорь Сергеев туширилмоқда. Сергеев деганлари Бабаяннинг термасида “VIP-forward”га айланиб қолди: йил бошидан бери терма ўйинларида кўплаб хатоларга йўл қўйса ҳам, вазиятлар ярата олмаса ҳам, гол урмаса ҳам, термага чақирилаверади, ўйинларда асосий таркибда майдонга туширилаверади.

Ўзбекистоннинг энг кучли ярим ҳимоячиларидан бири Жалолиддин Машарипов менинг тасаввуримдаги миллий терма жамоага саралаш баҳсларининг учинчи босқичи учинчи ўйинига эмас, биринчи ўйинига чақирилади ва майдонга иккинчи таймда эмас, ўйин бошидан туширилади. Бабаяннинг “термаси”га эса бу футболчи мухлислар ва журналистларнинг норозилиги авжига чиққачгина чақирилади ҳамда бой берилаётган ўйинни қутқариш учунгина захирадан майдонга туширилади.

Станислав Андреев каби ўйинчилар менинг тасаввуримдаги миллий терма

жамоага ҳатто “ball-boy”ликка, яъни тўп келтирувчиликка ҳам чақирилмайди! Бабаяннинг “термаси”да эса бу йигит ҳар доим 18-талиққа кириб келмоқда.

Миллий термадаги таркибда ҳаводан ва ердан келаётган тўпларни тўхта олмайдиган Элдор Шомуродов ва Отабек Шукуров деган ўйинчиларга ҳам жой йўқ. Самвел Вячеславович эса ушбу футболчиларни “терма”га чақиргани-чақирган. Ёки бу ўйинчилар келаси мавсумда “Пахтакор”га ўтишга ваъда беришдимикан?

Кечаги ўйинда ўнг қанот ҳимоясида кўплаб қўпол хатоларга йўл қўйиб, охир-оқибат эронликларнинг ягона голига олиб келган қоидабузарликни амалга оширган Ислому Тўхтаўжаевдан “Насаф” ҳимоячиси Шуҳрат Муҳаммадиевнинг қаери кам? Балки унинг камчилиги “Пахтакор”да эмас, “Насаф”да ўйнаётганлигидир? Ахир шу позицияда доврираб ўйнаган

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Ислом Тўхтаўжаевдан “Бунёдкор” фаҳрийси Акмал Шораҳмедовнинг “ўлиги” ҳам яхшироқ-ку!

Ўйиндан олдинги матбуот анжуманида мен Самвел Бабаевдан: “Сурия ва Қатар термаларига қарши ўтказилган ўйинларда ўнг қанот ҳимоясивазифасини бажарган Ислом Тўхтаўжаев жуда кўп хатоларга йўл қўйди. Бунинг натижасида рақиблар ўнг қанотимиздан ҳар бир ўйинда 3-4 маротаба ёриб кириб, хавфли ҳужумлар ташкил қилишди. Тўхтаўжаевнинг ўрнига бошқа ҳимоячини ўйнатишни иложи йўқми?” – деб сўрадим. “Пахтакор”нинг собиқ менеждери: “Ислом Тўхтаўжаев унг қанотда ўйнашга секин аста мослашиб борапти. Ўз хатолари устида ишламоқда. Бугунги кунда Тўхтаўжаев бу позицияда алмаштириб бўлмас ўйинчи!” – деб жавоб берди.

Марказий ҳимоячи Ислом Тўхтаўжаевнинг ўнг қанот ҳимоясига қандай қилиб мослашиб бораётганини, ўз хатолари устида қандай ишлаётганини, “бу позицияда алмаштириб бўлмас ўйинчи” эканлигини кечаги ўйинда кўрдик. Бабаевнинг “алмаштириб бўлмас ўйинчи”сининг оёғига тўп келиб тушган эди, ўйинчи нима қилишини билмасдан тўпни аутга тешиб юборди.

Чунки Ислом Тўхтаўжаев қанот ҳимоячиларига хос ишларни – қанотдан ҳужум бошлашни ёки бошланган ҳужумга ёрдам бериш деган нарсаларни билмайди-да! Марказий ҳимоячи Тўхтаўжаев авваллари асосан тўпни олиб қўйиш билан банд бўлган! Бошланғич тезлиги “хафа”! Шунинг учун ҳам ўтган уч ўйинда у рақиб ярим ҳимоячилари ва ҳужумчиларининг ортидан етолмай ҳалак бўлди.

Эронликларга қарши ўтказилган кечаги ўйинда биргина Тўхтаўжаев эмас, Азиз Ҳайдаров, Сервер Жепаров, Игорь Сергеев, Сардор Рашидов, Отабек Шукуров, Элдор Шомуродовлар ҳам расво ўйнашди. Сервер билан Азизга кейинги учрашуларда жавоб берса ҳам, бўлади, менимча. Уларнинг ўрнида ҳатто Жавоҳир Соҳибов ва Жамшид Искандаров ҳам тезроқ, аниқроқ ҳаракат қилишса керак.

Кечаги ўйиндан кейинги матбуот анжуманида Самвел Бабаев мағлубиятнинг асосий сабаби сифатида майдон марказида яратувчанлик бўлмаганини,

яратувчанлик бўлмаганининг сабаби сифатида эса Одил Аҳмедовнинг йўқлигини кўрсатди. Мен унинг бу гапларига мутлақо қўшилмайман.

Чунки Одил Аҳмедов иштирок қилган дастлабки икки учрашувда (Сурия ва Қатарга қарши ўйинларда) ҳам майдон марказида яратувчанлик бўлмаган эди. Ўша ўйинларда ҳам термамиз майдон марказида бўш ўйнаб, рақиб дарвозаси томон жуда кам ҳужум уюштириб, жуда кам зарба берган эди. Тасодифий икки гол эвазига ғалаба қозонилган эди. Хуллас, Бабаев “термаси” фақат Эронга қарши ўйинда эмас, ўтказилган учта учрашувнинг барчасида ўта сифатсиз, ланж ўйин намойиш қилди. Мана шундай ўйин фақат кечаги ўйиндагина ҳисобда акс этди.

Самвел Бабаев Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий қилиб тайинлангач, дарров журналистлар билан учрашув ташкил қилган эди. Сўхбат давомида мураббий: “Бу терма жамоа меники эмас, ҳаммамизники, халқимизники”, – деган гапни икки-уч марта такрорлади. Янги мураббийнинг бу сўзларидан кўпчилик ҳурсанд бўлган эди.

Лекин кейинчалик бу гаплар шу ерда гаплича қолиб кетди. Чунки Бабаев терма жамоанинг расмий ўйинларига халқимиз кутган футболчиларни эмас, ўзининг қарашларига мос ўйинчиларни, асосан, амалдаги ёки собиқ “пахтакор”чиларни жалб қила бошлади. Самвел Вячеславович бир учрашувда таркибда 7 (!!!) нафар “пахтакор”чини туширганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Самвел Бабаев Хитойга қарши ўтказиладиган учрашувга ҳам ўзининг “алмаштириб бўлмас” футболчилари Ислом Тўхтаўжаев, Игорь Сергеев, Александр Лобанов, Станислав Андреев ва бошқаларни чақиришига шубҳам йўқ. Менимча, Бабаев “термаси”нинг таҳминий таркибини фақат журналистлар эмас, балки оддий мухлислар ҳам олдиндан айта олишади.

Бундай “терма”лар фақат бизда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам тузилган. Шахсий “терма”лар ҳамиша мағлубиятларга юз тутиб, жиддий мусобақаларда шарманда бўлишган. Охири Европа чемпионатида иштирок қилган Туркия ва Россия терма жамоаларининг қисматини мисол тариқасида келтирса бўлади.

Туркия термасининг асосини фақат Истамбул клублари

футболчиларидан шакллантирган Фотиҳ Терим жанобларининг “термаси”ни туркияликлар “Истамбул терма жамоаси” деб номлашди. “Истамбул терма жамоаси” Европа чемпионатида қандай “кароматлар” кўрсатганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Россия термасининг асосини амалдаги ва собиқ “армиячи”лардан ташкил қилган Леонид Слуцкий жанобларининг “термаси”га эса россияликлар “ЦСКА терма жамоаси”, – деб ном қўйишди. “ЦСКА терма жамоаси” Европа чемпионатида қандай шарманда бўлгани барча журналисту мухлисга аён.

Афсус-ки, Терим ва Слуцкий юрган йўлдан бораётган мураббийлар фақат Туркия ёки Россияда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам бор. Ўша бошқаларнинг “терма”лари ҳам бир кун келиб шарманда бўлишига ишончим комил. Чунки бундай “терма”лар адолат ва холислик асосида эмас, “жаноблар”нинг шахсий симпатия-антипатия, муҳаббат-адоват, манфаат-ғаразлари асосида ташкил қилинади.

Худо кўрсатмасин, ана шундай бўлса, мен учун амалда ўша “жаноб”ларнинг шахсий “терма”ларигина шарманда бўлишади, мазкур “жаноб”ларни бош мураббий қилиб тайинлаган одамлар шарманда бўлишади.

Лекин минг афсус-ки, Худо кўрсатмасин, иш шунгача етиб борса, барибир “жаноб”ларнинг шахсий “терма”ларининг эмас, расман миллий терма жамоаларнинг ҳамда оддий мухлисларнинг юзи ерга қарайди.

Хуллас, Худо кўрсатмасин, иш шунгача етиб борса, футболчиларни ўзларининг шахсий “терма”ларига чақириб, хориж клубларига сотиш ҳақида қайғураётган тадбиркор жаноблар эмас, миллат ва унинг бош жамоаси ҳақида чин дилдан қайғураётган оддий одамлар азобланишади.

**Бобомурод АБДУЛЛА**  
2016 йил 7 октябрь

Манба: Facebook.com

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов